

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 976-ҳадис

976 – وَعَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا كَانَ فِي سَفَرٍ  
فَعَرَّسَ بِلَيْلٍ اضْطَجَعَ عَلَى يَمِينِهِ، وَإِذَا عَرَّسَ قُبَيْلَ الصُّبْحِ نَصَبَ ذِرَاعَهُ، وَوَضَعَ رَأْسَهُ عَلَى كَفِّهِ. رَوَاهُ  
مُسْلِمٌ [683].

قَالَ الْعُلَمَاءُ: إِذَا نَصَبَ ذِرَاعَهُ؛ لِئَلَّا يَسْتَعْرِقَ فِي النَّوْمِ، فَتُقُوتَ صَلَاةُ الصُّبْحِ عَنْ وَقْتِهَا، أَوْ عَنْ أَوَّلِ  
وَقْتِهَا.

976. Абу Қатода розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сафарда бўлиб, кечаси тунашга тўхтасалар, ўнг томонларига ёнбошлардилар. Субҳдан сал олдин тўхтасалар, билакларини тираб, бошларини кафтларига қўярдилар».

Имом Муслим ривояти.

Уламолар: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билакларини тираб, бошларини кафтларига қўйиб ухлашларидан мақсад, уйқуга шўнғиб, бомдод намози ўтиб кетишидан ёки бомдодни аввалги вақти ўтиб кетишидан хавф қилганлари учундир», дейишди.

Шарҳ: Асҳоби киром қаерда бўлишса ҳам Пайғамбаримиз с.а.в.ни диққатлича кузатишар эди. Ҳар масалада ўрнатилган олгувчи инсонимиз ва йўл кўрсатгувчимиз бўлган мукамал инсоннинг муомаласини ўрганишнинг бошқа йўли йўқ эди. Пайғамбаримиз с.а.в. сафарда қандай дам олишларини Абу Қатода р.а. нинг диққатли кузатиши орқали ўрганамиз.

Тунда дам олиш учун вақт берилганида, доимо қилганларидек ўнг тарафига ётиб дам олган Пайғамбаримиз с.а.в. эрталабга яқин, ўнг тирсақлари

устига, муборак бошларини қўллари орасига олиб ётмасдан дам олар эдилар. Имом Нававийнинг белгилаб ўтганлари каби, Пайғамбаримиз с.а.в.нинг бу ҳаракатлари уйқуга кетиб, бомдод намозини ўтказиб юбормаслик ёки бомдод намозини илк вақтини ўтказиб юбормаслик учун эди. Зеро сафарнинг чарчоғи ва саҳар вақтининг ёқимли ва илиқ ҳавоси ухлаб қолиш учун етарлича ўзига жалб қилар эди.

Аввалги ҳадисда ҳайвон ҳақларини ҳимоя қилишни оғзаки тарзда ўргатган Пайғамбаримиз с.а.в. бу ҳадисда эса сафар пайтида инсонларнинг қандай истироҳат қилишларини ҳаракатлари билан кўрсатмоқдалар.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI